

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг
2023 йил II ярим йилликка мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Амалга ошириладиган вазифалар	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш			
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПФ–81-сон Фармони ижросини таъминлаш.	2023 йил II ярим йилликда (белгиланган муддатларда)	О.Кудратов, Ж.Казбеков, вазирлик таркибий бўлинмалари, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалари
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ–171-сон қарори ижросини таъминлаш.	2023 йил II ярим йилликда (белгиланган муддатларда)	О.Кудратов, Ж.Казбеков, вазирлик таркибий бўлинмалари, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалари
3.	Ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг “Экологик хавфсизлик тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 18 февралдаги 95-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил октябрь	Ж.Казбеков, Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими
4.	Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида “Нақшбандия тариқати” кутубхонаси ва музейини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил сентябрь	О.Кудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)

5.	XIX асрга тааллуқли бўлган “Бозори қаймоқ” объектида гастрономик музей, “Болои Қассобон”, “Боборахимбой” объектларида “Тасаввуф ва Хожагон-Нақшбандия” музейлар занжирини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил октябрь	О.Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)
II. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, яшил ҳудуд, ўрмон ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш			
6.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида куз мавсумида 75 млн туп дарахт ва бута кўчатларини экилишини ташкил этиш.	2023 йил ноябрь-декабрь	О.Қудратов, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини ташкиллаштириш ва мониторинг бошқармаси, Ўрмон хўжалиklarини стратегик ривожлантириш бўлими, Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров), худудий бўлинмалар
7.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросини таъминлаш ҳамда республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини самарали ташкил этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида таҳлилий маълумот тайёрлаш.	2023 йил 20 октябрь	О.Қудратов, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини ташкиллаштириш ва мониторинг бошқармаси, Экологик назорат инспекцияси, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
8.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармони ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилишини таҳлил қилиш ва шакллантирилган маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь ойларида	О.Қудратов, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини ташкиллаштириш ва мониторинг бошқармаси, худудий бошқармалар, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
9.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”	2023 йил ноябрь	О.Қудратов, Ўрмон хўжалиklarини стратегик ривожлантириш бўлими,

	2020 йил 6 октябрдаги ПҚ–4850-сон қарори ижросини таҳлил қилиш ва шакллантирилган маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
10.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида” 2021 йил 29 июлдаги ПҚ–5202-сон қарори ижросини таҳлил қилиш.	2023 йил декабрь	О.Қудратов, Ахборот-таҳлил ва стратегик режалаштириш бўлими, Яшил ҳудуд ва ўрмонларни ривожлантириш департаменти, Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
11.	Оролбўйи минтақасида, жумладан Навоий вилоятининг чўл ҳудудларида 33 минг гектар майдонда чўл ўсимликларидан “яшил қопламалар” барпо этиш.	2023 йил 25 декабрь	О.Қудратов, Ўрмон хўжаликларини стратегик ривожлантириш бўлими, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров), Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси
12.	Ўрмон хўжалиги тадбирлари ва ҳудудларни кўкаламзорлаштириш мақсадида дарахт ва буталарнинг ниҳол ва кўчатларини етиштириш.	2023 йил 25 декабрь	О.Қудратов, Ўрмон хўжаликларини стратегик ривожлантириш бўлими, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
13.	Сурхон, Нурота кўриқхоналари, Зарафшон миллий табиат боғи ҳудудини кенгайтириш.	2023 йил 25 декабрь	О.Қудратов, Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлими, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва кадастрни юритиш бўлими, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаменти” давлат муассасаси
14.	Жайрон питомнигидан Оролбўйи ҳудудига 30 бош туркман қулонлари , Қуйи Амударё биосфера резерватидан 15 бош бухоро буғуларини бошқа ҳудудларга кўчириш.	2023 йил 25 декабрь	О.Қудратов, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаменти” давлат муассасаси, Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлими

15.	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.	2023 йил 25 декабрь	О.Қудратов, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаменти” давлат муассасаси, Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлими
III. Ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраш, муҳофаза қилиш ва тиклаш			
16.	Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги “Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 86-сон қарорининг 6-банди ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг “Ёввойи ҳайвонларни ва ўсимликларни, уларнинг қисмларини, шунингдек, яшаш фаолияти маҳсулотларини олиб кириш ва олиб чиқиш учун рухсат этиш тартиб таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида” қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил октябрь	О.Қудратов, Биохилмахиллик сиёсатини юритиш бўлими
17.	Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ва озик-овқатбоп ўсимликларни, жумладан уларнинг экспортбоп турларини етиштириш ва кўпайтириш плантациялар реестирини юритиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	О.Қудратов, Биохилмахиллик сиёсатини юритиш бўлими
18.	Қаровсиз қолган уй ҳайвонларини чиплар ўрнатиш, идентификациялаш, вакцинациялаш, кастрация ёки стерилизациялаш тадбирларини амалга оширишнинг мутлако янги тизимини жорий қилиш, шунингдек, ушбу жараёнларни тўлиқ рақамлаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2023 йил сентябрь	О.Қудратов, Биохилмахиллик сиёсатини юритиш бўлими

19.	<p>Орол денгизидаги артемия цистасини овлаш ва қайта ишлашни комплекс ривожлантиришни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда:</p> <p>Артемия цисталари олишга квота бериш масаласини тартибга солиш;</p> <p>Артемия цистаси ресурсларидан оқилона фойдаланиш тартибини такомиллаштириш;</p> <p>Артемия цистасини овлаш ва қайта ишлаш жараёнини назорат қилиш тартибини ривожлантириш назарда тўтилади.</p>	2023 йил сентябрь	О.Қудратов, Биохилмахиллик сиёсатини юритиш бўлими
20.	<p>Ўввойи ҳайвонларни сақлаш ва соғломлаштириш (реабилитация) марказларини хусусий секторларни жалб этган ҳолда ташкил этиш. Бунда:</p> <p>Мусодара қилинган ва жароҳатланган ўввойи ҳайвонларни сақлаш ва соғломлаштириш (реабилитация) марказларини хусусий секторларни жалб этган ҳолда ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш;</p> <p>Тошкент, Нукус, Термиз ва Фарғона давлат ҳайвонот боғларида реабилитация марказларини ташкил этиш.</p>	2023 йил ноябрь	О.Қудратов, Биохилмахиллик сиёсатини юритиш бўлими
21.	<p>Ўввойи ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари ва уларни қисмларидан фойдаланиш ҳамда экспорт/импорт қилиш бўйича Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “Лицензия” АТ орқали келиб тушадиган аризаларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва тегишли рухсат этувчи ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш.</p>	2023 йил II ярим йиллик давомида	О.Қудратов, Биохилмахиллик сиёсатини юритиш бўлими
22.	<p>“Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ишчи гуруҳлари ялпи йиғилишларида ҳимоясини таъминлаш.</p>	2023 йил август-сентябрь	О.Қудратов, Биохилмахиллик сиёсатини юритиш бўлими

23.	“Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ишчи гуруҳлари ялпи йиғилишларида иштирок этиш.	2023 йил август-сентябрь	О.Кудратов, Биохилмахиллик сиёсатини юритиш бўлими
IV. Атмосфера ҳавоси, сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини асраш ва муҳофаза қилиш			
24.	“Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19, 24 ва 26 - моддаларининг ижро этилиш ҳолати, озон қатламини муҳофаза қилиш ва озон қатламини емирувчи ва юқори глобал иссиқ салоҳиятига таъсир қилувчи совутиш агентларининг сизиб чиқишини олдини олиш бўйича корхоналарнинг салоҳиятини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри корхоналари мисолида жойига чиққан ҳолда ўрганиш.	2023 йил июль-август	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими, худудий бошқармалар
25.	Янги ишга туширилаётган ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларда ифлослантирувчи манбаларида самарадорлиги 95,0 ва 99,5 фоиздан кам бўлмаган чанг ва газ тозалаш ускуналарини ўрнатишни ташкил қилиш.	2023 йил июль-декабрь	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими, “Давлат экологик экспертиза маркази” ДУК (Мухамедов), худудий бошқармалар
26.	“2022-2023 йилларда республикадаги йирик саноат корхоналарида чанг-газларни тутиб қолиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури”га мувофиқ 66 та саноат корхоналарининг 503 та ЧГТУини тозалаш самарадорлиги оширилишини таъминлаш.	2023 йил июль-декабрь	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими, худудий бошқармалар
27.	Автотранспортларда экологик ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида, республиканинг барча ҳудудларида “Тоза ҳаво” тадбирининг II босқичини ўтказиш.	2023 йил 10 августдан 10 сентябргача (Тошкент шаҳрида 10 сентябрдан 10 октябргача)	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими, худудий бошқармалар

28.	Ҳавони узоқ масофаларгача трансчегаравий ифлосланиши тўғрисидаги конвенция (1979 йил 13 ноябр, Женева ш.) ва унинг асосий протоколларига қўшилиш бўйича ишларни давом эттириш.	2023 йил октябрь-ноябрь	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими
29.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда шаҳарларда ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг сувни тежаш ва унинг ифлосланишини камайтиришга қаратилган Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.	2023 йил декабрь	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими
30.	Саноат корхоналарида 80 та локал оқова тозалаш иншоотларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилинишини таъминлаш юзасидан экологик назорат тадбирларини амалга ошириш.	2023 йил 20 декабрь	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими, Экологик назорат инспекцияси
31.	Фойдали қазилмаларни қазиб олиш натижасида бузилган 2 000 гектар ер майдонларини рекультивация қилинишини таъминлаш юзасидан экологик назорат тадбирларини амалга ошириш.	2023 йил 20 декабрь	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими, Экологик назорат инспекцияси
32.	Республикадаги 14 та кичик дарё ва сойларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари, шу жумладан соҳилбўйи полосаларини белгилаш.	2023 йил 25 декабрь	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими
33.	Мавжуд автомобиль ювиш шохобчаларида босқичма-босқич сув айланма тизимини жорий этиш ҳамда уларни замонавий сув тиндиргичлар ва сув тежовчи ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, автомобиль ювиш шохобчаларининг ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган турларини кенгайтириш.	2023 йил 25 декабрь	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими
V. Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш			
34.	Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) давлат таълим муассасаси фаолиятини янада ривожлантириш ва ва унинг фаолияти “ Hub and Spoke ” тамойили асосида ташкил этиш, 2023/2024-ўқув йили учун квотани шакллантириш ва ўқув жараёнларини амалга ошириш	2023 йил сентябрь	Ж.Казбеков, Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими

35.	Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда Республика микёсида ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик онги ва экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, фуқароларнинг экологик саводхонлигини ошириш, экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш юзасидан семинар-тренинглар, экологик акциялар ташкил этиш	2023 йил сентябрь-декабрь	Ж.Казбеков, Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University)
36.	Вазирлик марказий аппарати, тизим ташкилотлари ҳамда ҳудудий бўлинмаларининг йўналишлар бўйича 700 нафар мутахассисларининг малакасини ошириш.	2023 йил сентябрь-декабрь	Ж.Казбеков, Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш маркази (Бозоров)
37.	“2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармонини 2022-2024-йиллар учун “Йўл харита”нинг тегилши бандлари ижросини таъминлаш мақсадида, Атроф-муҳитга таъсири бўйича I-IV тоифага мансуб корхоналарининг эколог ходимларини малакасини ошириш.	2023 йил сентябрь-декабрь	Ж.Казбеков, Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш маркази (Бозоров)
38.	Илмий-тадқиқот институтларида илмий мактабларни шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда “фан – таълим – ишлаб чиқариш интеграцияси” тамойили асосида илмий фаолиятни йўлга қўйишга кўмаклашиш. Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларидаги магистратура, стажёр-тадқиқотчилик ва катта илмий ходим-изланувчиларни. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши йўналишидаги илмий фаолиятига кўмаклашиш.	2023 йил сентябрь-декабрь	Ж.Казбеков, Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими
39.	Вазирлик ходимлари ва Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) профессор-ўқитувчиларини хорижда ўтказиладиган халқаро конференциялар, симпозиумлар ва семинарларда иштирок	2023 йил сентябрь	Ж.Казбеков, Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими, Халқаро ҳамкорлик ва грандларни жалб этиш

	этишини ташкил этиш ва таъминлаш.		бўлими, Инсон ресурсларини бошқариш бўлими
VI. Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш			
40.	Атроф табиий муҳитни кузатиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш мақсадида 813 та хўжалик юритувчи субъектларида оқова сув (274 та), атмосфера ҳавоси (385 та), тупроқ ифлосланиши (154 та) бўйича атроф-муҳит мониторингини амалга ошириш.	2023 йил август-декабрь	Ж.Казбеков, Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев), худудий бошқармалар
41.	Атроф табиий муҳит давлат мониторинги ишларини амалга ошириш учун вазирлик тузилмасида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилаётган Ситуацион марказнинг низомини ишлаб чиқиш. Ситуацион марказини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш ва марказни ташкил қилиш.	2023 йил 20 сентябрь 2023 йил 30 ноябрь	Ж.Казбеков, Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев), Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев)
42.	Ўзбекистон Республикасида барқарор экологик вазиятни сақлаш ва экологик фожиаларнинг олдини олишга қаратилган 2024-2026 йилларда амалга ошириладиган дастурни ишлаб чиқиш.	2023 йил октябрь	Ж.Казбеков, Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими, Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими, Биохилмаҳиллик сиёсатини юритиш бўлими, Чикиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бошқармаси, Экологик таълим, илмий тадқиқотлар

			ва инновацияларни жорий этиш бўлими, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University), худудий бошқармалар
43.	Худудий атроф-муҳит ифлосланиши мониторинги бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Бунда, Давлат бюджетидан ажратилган 35 млрд сўм маблағ доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар атроф-муҳит ифлосланиши мониторинги бўлимлари учун лаборатория жиҳозларини харид қилиш.	2023 йил декабрь	Ж.Казбеков, Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими, Молия-иқтисод бўлими, Давлат харидлари ва инфратузилма бўлими
44.	“Синов лабораторияларини халқаро O’z DSt ISO/IEC 17025:2019 стандарти талаблари асосида аккредитациядан ўтказишнинг аҳамияти” бўйича худудий таҳлилий лаборатория ходимларини малакасини ошириш.	2023 йил сентябрь	Ж.Казбеков, Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими, худудий бошқармалар
45.	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чўлланишга қарши курашиш Конвенциясининг бажарилишини кўриб чиқиш қўмитаси (CRIC-21) ҳамда юқори даражадаги кум-чанг бўронлари бўйича йиғилишини ўтказиш	2023 йил 9-13 октябрь	Ж.Казбеков, Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими, Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими
46.	Чўлланишга қарши курашиш ҳамда деградацияга учраган ерларни тиклаш бўйича худудларга мос моделларни ишлаб чиқиш	2023 йил 25 декабрь	Ж.Казбеков, Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
47.	Ҳар бир худуднинг экологик паспорти ҳамда экологик “мастер режа”ларини ишлаб чиқиш.	2023 йил октябрь	Ж.Казбеков, Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими, Экологик таълим, илмий тадқиқотлар

			<p>ва инновацияларни жорий этиш бўлими, “Давлат экологик экспертизаси маркази” давлат муассасаси, Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологияларн илмий тадқиқот институти, худудий бошқармалар</p>
VII. Давлат хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб этиш			
48.	<p>Давлат хусусий шериклик лойиҳалари бўйича Сирдарё вилоятида 1 та, Жиззах вилоятида 1 та, Самарқанд вилоятида 5 та санитар тозалаш, саралаш ва қайта ишлаш учун тендер танловларига эълон бериш орқали хусусий секторга бириктириб бериш ишларини давом эттириш орқали худудларни камров даражасини ошириш.</p>	<p>2023 йил 25 декабрь</p>	<p>Ж.Казбеков, Давлат-хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими, Чикиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилояти бошқармалари</p>
49.	<p>Давлат хусусий шериклик лойиҳалари доирасида жорий мониторинг ўтказиш ва натижаси бўйича битим мажбуриятларини (<i>инвестиция, техника тўловлари, дебитор қарздорликни ундириш ва бошқа мажбуриятлар</i>) бажармаган санитар тозалаш корхоналарига ўрнатилган тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш.</p>	<p>2023 йил 25 декабрь</p>	<p>Ж.Казбеков, Давлат-хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими, Чикиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази, худудий бошқармалар</p>
50.	<p>Қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича шакланган дебитор қарздорликни Вазирлик ва санитар тозалаш корхоналари ўртасида тузиладиган келишувга мувофиқ 5 йилгача бўлиб-бўлиб қайтариш чораларини кўриш.</p>	<p>2023 йил 25 декабрь</p>	<p>Ж.Казбеков, Давлат-хусусий шерикчилик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими, Чикиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази, худудий бошқармалар</p>

51.	<p>Янги истиқболли лойиҳалар юзасидан экология, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларидаги инвестиция лойиҳалар рўйхатини шакллантириб, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига таклиф киритиш.</p>	2023 йил 25 декабрь	<p>Ж.Казбеков, Давлат-хусусий шерикчилик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими, Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари</p>
52.	<p>Янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича “Лойиҳа офиси” ташкил этиш ҳамда истиқболли инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ишга тушириш бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	2023 йил 25 декабрь	<p>Ж.Казбеков, Давлат-хусусий шерикчилик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими, Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари</p>
53.	<p>Йирик молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича зарурий чоралар кўриш:</p> <p>Жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва янги полигонлар қуриш” ва “Хоразм вилояти ҳудудларида маиший чиқинди полигонларини рекултивация қилиш ва янги полигонлар қуриш” лойиҳалари доирасида Ҳукумат қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, тендер савдоларини ўтказиш, махсус техникалар сотиб олиш ва лойиҳани ишга тушириш бўйича тармоқ жадвалларида белгиланган ишларни назорат қилиш;</p> <p>Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳаси доирасида иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан харид режаси ишлаб чиқиш;</p> <p>Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси доирасида харид режасини ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил 25 декабрь	<p>Ж.Казбеков, Давлат-хусусий шерикчилик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими, Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими</p>
54.	<p>“Sejin G&E Co., Ltd” компанияси иштирокидаги Тошкент вилоятида жойлашган қаттиқ маиший чиқиндиларни кўмиш полигондан электр энергиясини олиш лойиҳасининг</p>	2023 йил 25 декабрь	<p>Ж.Казбеков, Давлат-хусусий шерикчилик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими,</p>

	қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими
VIII. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва санитар тозалаш			
55.	<p>Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш.</p> <p>Бунда, юридик шахсларни қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда шартнома тузишини рағбатлантирувчи механизмлар (иқтисодий ёки маъмурий таъсир чоралари) юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p>	2023 йил август	<p>Ж.Казбеков, Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази (Ҳасанов)</p>
56.	Қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ва махсус техникаларини хатловдан ўтказиш ва “Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси тасарруфига қабул қилиб олинишини ташкил этиш.	2023 йил сентябр	<p>Ж.Казбеков, Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими, Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси</p>
57.	Санитар тозалаш хизматларини кўрсатиш бўйича абонентларни ҳисобини юритиш ягона электрон биллинг тизимидаги абонентларни мулкга эгаллик қилувчи кадастр рақамларини ва жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақамларини (ЖШШИР) тизимга киритиш ишларини яқунлаш.	2023 йил декабр	<p>Ж.Казбеков, Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази</p>
58.	Осиё тараққиёт банки кредит маблағлари асосида харид қилинган махсус техникаларини лизинг шартномалари асосида санитар хизмат кўрсатувчи корхоналарга тақсимот қилиш.	2023 йил сентябр	<p>Ж.Казбеков, Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази</p>
59.	Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги кенг нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўламини янада кенгайтириш мақсадида 2023 йил 30 июль – 30 август кунлари республика ҳудудида “Ободонлаштириш ойлиги”ни	2023 йил июль-август	<p>Ж.Казбеков, Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази</p>

	Ўтказиш. “Ободонлаштириш ойлиги” доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумот тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш		
60.	Қаттиқ маиший ва қурилиш чиқиндиларини йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил октябрь	Ж.Казбеков, Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази
61.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 августдаги ПФ–189-сон Фармони ҳамда “Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарори ижросини тўғрисида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш .	2023 йил сентябрь-ноябрь	Ж.Казбеков, Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази
IX. Аҳолининг экологик маданиятини ривожлантириш, жамоатчилик ва ОАВ билан ишларни самарадорли ташкил этиш			
62.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 31-майдаги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятига доир ПФ-81-сон Фармони, ПҚ–171-сон қарори мазмун-моҳияти ва ушбу ҳужжатлар ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар бўйича матбуот анжумани ўтказиш.	2023 йил август	Л.Раҳманбаева, Жамоатчилик билан алоқалар (Ахборот хизмати)
63.	АОКАда вазирлик фаолиятидаги муҳим жараёнлардан келиб чиқиб йўналишлар кесимида брифинглар ташкил этиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Л.Раҳманбаева, Жамоатчилик билан алоқалар (Ахборот хизмати)
64.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган мавсумий чора-тадбирларни вазирликнинг расмий ахборот ресурслари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Л.Раҳманбаева, Жамоатчилик билан алоқалар (Ахборот хизмати)

65.	Вазирлик тасарруфидаги “Сурхон” давлат кўриқхонасига пресс-тур ташкил қилиш.	2023 йил август	Л.Рахманбаева, Жамоатчилик билан алоқалар (Ахборот хизмати)
66.	Сентябрь ойининг учинчи шанбасида нишонланадиган Бутунжаҳон тозалик куни муносабати билан ташкил этиладиган тадбирларни, плоггинларни кенг ёритиш.	2023 йил сентябрь	Л.Рахманбаева, Жамоатчилик билан алоқалар (Ахборот хизмати)
67.	22 сентябрь — Халқаро автомобилсиз кун муносабати билан ташкил этиладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	2023 йил сентябрь	Л.Рахманбаева, Жамоатчилик билан алоқалар (Ахборот хизмати)
68.	16 сентябрь — Бутунжаҳон озон қатламини муҳофаза қилиш куни муносабати билан ташкил этиладиган тадбирларни кенг ёритиш.	2023 йил сентябрь	Л.Рахманбаева, Жамоатчилик билан алоқалар (Ахборот хизмати)
69.	Вазирлик томонидан ноқонуний чиқиндилар ташланишининг олдини олиш мақсадида ўрнатилаётган кузатув камералари тасвирга олган ҳолатлар ва ҳуқуқбузарларга кўрилган чоралар юзасидан материаллар тайёрлаш ва ОАВлари орқали кенг жамоатчиликка етказиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Л.Рахманбаева, Жамоатчилик билан алоқалар (Ахборот хизмати)
Х. Экология ва табиат ресурсларини асраш, муҳофаза қилиш ҳамда уларни қайта тиклаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш			
70.	Ўзбекистонда Атроф-муҳит ҳолати тўғрисида Миллий маърузани тайёрлаш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Ж.Казбеков, Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими
71.	БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини сақлаб қолишга доир Конвенцияси (CMS)нинг 14-томонлар конференциясини ташкил этиш (Самарқанд шаҳри).	2023 йил октябрь	Ж.Казбеков, Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими
72.	БМТ Чўлланишга қарши курашиш конвенциясини бажарилишини кўриб чиқиш кўмитасининг 21-йиғилишини ташкил этиш (Самарқанд шаҳри).	2023 йил октябрь	Ж.Казбеков, Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)

XI. Давлат экологик назорат инспекцияси			
73.	Табиатни муҳофаза қилиш, жумладан, атмосфера ҳавоси, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда давлат экологик назоратини юритиш.	2023 йил август-декабрь	Экологик назорат инспекцияси (Курбонов), ҳудудий бошқармалар
74.	Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш мақсадида "Хавфсиз дарё" ДМ билан шартнома асосида иш олиб бораётган тадбиркорлик субъектларнинг фаолиятини ўрганиш.	2022 йил август-декабрь	Экологик назорат инспекцияси (Курбонов), Сув ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бўлими, Давлат экологик экспертиза маркази ДМ (Мухамедов), ҳудудий бошқармалар
75.	Ҳудудий инспекциялар фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳага оид ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш, уларни олдини олиш бўйича фаолият самарадорлигини, давлат инспекторларининг маъмурий амалиёти кўллаш фаолиятини ўрганиш.	2023 йил август-декабрь	Экологик назорат инспекцияси (Курбонов), ҳудудий бошқармалар
76.	"Айдар-Арнасой" кўллар тизимидаги мавжуд назорат пунктлари фаолиятини ўрганиш, кўллар акваториясида биологик ресурсларни асраш бўйича тезкор рейд тадбирларини олиб бориш.	2023 йил сентябрь-октябрь	Экологик назорат инспекцияси (Курбонов), Навоий, Жиззах вилоятлари бошқармалари.
77.	Браконерликка қарши курашиш ва унга қатъий чоралар кўриш.	2023 йил сентябрь-октябрь	Экологик назорат инспекцияси (Курбонов), ҳудудий бошқармалар
78.	Сирдарё ҳавзаси дарёлари (Норин, Қорадарё, Чирчиқ, Оҳангарон)да ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш юзасидан экологик назорат тадбирларини олиб бориш.	2023 йил октябрь	Экологик назорат инспекцияси (Курбонов), Наманган, Тошкент, Сирдарё вилоятлари бошқармалари .
XII. Рақамлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва кадастрни юритиш			
79.	"Ўзбекистон экологияси ва табиий ресурслари атласини" яратиш. Бунда: манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлардан ташкил топган тармоқ ишчи гуруҳларини шакллантириш; Атласни яратиш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олиш.	2023 йил 25 декабр	О.Кудратов, Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрни юритиш бўлими

80.	Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг истикболли хом-ашёбоп ўсимликларнинг давлат рўйхати ва кадастрини яратиш ҳамда ушбу вилоятларда жойлашган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг флора тур таркибини инвентаризация қилиш ишларини бажариш.	2023 йил 25 декабр	О.Қудратов, Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрини юритиш бўлими
81.	Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Фарғона водийси ҳудудидаги кушлар, балиқлар ва сут эмизувчиларнинг иктисодий аҳамиятга эга турларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва кадастрини шакллантириш.	2023 йил 25 декабр	О.Қудратов, Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрини юритиш бўлими
82.	Овга рухсат бериш ва ҳайвонларни овлаш (шу жумладан, балиқ) учун берилган квоталарни, йўлланма ва рухсатномаларни беришни назорат қилиш бўйича мобил иловани ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2023 йил октябрь	О.Қудратов, Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрини юритиш бўлими, Биохилмахиллик сиёсатини юритиш бўлими
83.	Юридик шахслар — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчиларга туташ ҳудудлардаги бириктирилган дарахтлар бўйича “Дарахтлар реестри”дан кўчирмалар бериш ишларини якунлаш.	2023 йил 25 декабрь	О.Қудратов, Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрини юритиш бўлими, ҳудудий бошқармалар
84.	Тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат томонидан ҳисобга олинадиган, фойдаланиш ҳажмлари ҳисобга олинадиган, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрига киритиладиган ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимлик турларининг рўйхатини тузиш ҳамда тасдиқлаш.	2023 йил 20 декабрь	О.Қудратов, Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрини юритиш бўлими
85.	Давлат томонидан ҳисобга олишни амалга оширадиган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланувчи (юридик шахслар рўйхатини, уларнинг номи, идоравий мансублиги, жойлашган жойи кўрсатилган ҳолда) рўйхатини шакллантириш.	2023 йил 20 ноябрь	О.Қудратов, Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрини юритиш бўлими

86.	Вазирлик ва идоралар тизимидаги транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмалари ҳамда табиий объектларнинг номларини Кадастр агентлигининг Географик объектлар номлари давлат реестрига киритиш ҳолатини ўрганиш ҳамда унинг натижаси бўйича таҳлилий маълумотларни Кадастр агентлигига киритиш.	2023 йил октябрь	О.Қудратов, Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрни юритиш бўлими
-----	--	---------------------	--

XIII. Инсон ресурсларини бошқариш йўналишида

87.	Ходимларга оид буйруқларни тўлиқ электрон шаклда расмийлаштиришни ташкил этиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Инсон ресурсларини бошқариш бўлими
88.	“Эл-юрт” умиди жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижда таълим олиш учун номзодларни саралаб олиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Инсон ресурсларини бошқариш бўлими
89.	Вазирлик марказий аппарати, тизим ташкилотлари, худудий бўлинмалар, Ўрмон хўжалиги агентлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги ходимларини малакасини ошириш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Инсон ресурсларини бошқариш бўлими
90.	Мамалакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида салмоқли натижаларга эришган шунингдек, соҳага оид илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиб ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган фуқароларни “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони билан тақдирланишини таъминлаш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Инсон ресурсларини бошқариш бўлими

XIV. Ўрмон хўжалиги

91.	Ўрмон фондидаги фойдаланилмаётган 3,5 минг гектар ер майдонларини ўзлаштиришни ташкил этиш.	2023 йил октябрь	О.Қудратов, Яшил худуд ва ўрмонларни ривожлантириш департаменти, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
-----	---	---------------------	---

92.	Ўрмон хўжаликлари томонидан жами 1100 тонна чўл ўсимликлари ҳамда бошқа турдаги дарахт ва буталарнинг уруғларини жамғариш.	2023 йил ноябрь	О.Қудратов, Яшил ҳудуд ва ўрмонларни ривожлантириш департаменти, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
93.	Ўрмон хўжалиги тадбирлари ва ҳудудларни кўкаламзорлаштириш мақсадида дарахт ва буталарнинг 120 млн дона ниҳол ва кўчатларини етиштириш.	2023 йил октябрь	О.Қудратов, Яшил ҳудуд ва ўрмонларни ривожлантириш департаменти, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
94.	Орол ва оролбўйи ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларида ўрмон-мелиоратив тадбирларини амалга ошириш орқали 235 минг гектар “яшил қопламалар” ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш.	2023 йил декабрь	О.Қудратов, Яшил ҳудуд ва ўрмонларни ривожлантириш департаменти, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
95.	Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари дала четларида атрофида 500 гектар майдонда ихота дарахтзорларини барпо этиш.	2023 йил декабрь	О.Қудратов, Яшил ҳудуд ва ўрмонларни ривожлантириш департаменти, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
96.	Ўрмон фонди ерларида 9 минг тонна доривор ва озуқабоп ўсимликлар хомашёсини етиштириш.	2023 йил ноябрь	О.Қудратов, Яшил ҳудуд ва ўрмонларни ривожлантириш департаменти, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
97.	Ўрмон хўжаликларида хусусий сектор субъектлари билан биргаликда чорва бош сонини 170 мингга, парранда бош сонини 1 млн 200 мингга, асалари оилалари сонини 220 мингга етказиш.	2023 йил ноябрь	О.Қудратов, Яшил ҳудуд ва ўрмонларни ривожлантириш департаменти, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
98.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 431-сон қарорига асосан ўрмон фондида аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликларни электрон рўйхатга олиш учун масъул шахсларни “E-ma'muriy ish” тизимида рўйхатга олиш, “E-ma'muriy ish” тизими орқали маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатлар расмийлаштирилишини ташкил этиш.	доимий	О.Қудратов, Яшил ҳудуд ва ўрмонларни ривожлантириш департаменти, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)

99.	Ўрмон ёнғинларини олдини олиш, фонди ерларида ва унга туташ аҳоли пунктларида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш.	доимий	О.Кудратов, Яшил ҳудуд ва ўрмонларни ривожлантириш департаменти, Ўрмон хўжалиги агентлиги (Бакиров)
XV. Гидрометеорология соҳасида			
100.	Гидрометеорология соҳаси фаолиятини мунтазам кенг ёритиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан тизимли ҳамкорликни ташкил этиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Ж.Казбеков, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев)
101.	Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, етакчи таълим ва илмий муассасалар ходимлари, гидрометеорология соҳасидаги етакчи мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Ж.Казбеков, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев), Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими
102.	Гидрометеорология кузатувлар тармоғини жорий ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини, шунингдек, кузатувлар тармоғини кенгайтириш ва автоматлаштириш бўйича ҳудудлардан амалга оширилаётган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ҳамда зарур чора тадбирлар белгилаш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Ж.Казбеков, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев), Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими
103.	Соҳани рақамлаштириш мақсадида гидрометеорологик кузатув станцияларидан 20 тасини автоматлаштириш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Ж.Казбеков, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев), Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими
104.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 31 майдаги ПФ–81 Фармони 8-бандига мувофиқ туманларда (шаҳарларда) атмосфера ҳавоси ифлосланиши фон мониторингини амалга	2023 йил сентябрь	Ж.Казбеков, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев), Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими

	ошириш учун автоматлашган кичик станцияларга техник талаблар ва жойлаштириш хариталарини ишлаб чиқиш.		
105.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ–171-сон қарорига мувофиқ Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Бухоро, Қарши, Нурафшон ва Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги учун автоматлаштирилган станцияларни олиб келиш.	2023 йил декабрь	Ж.Казбеков, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев), Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими
106.	Кузатув станциялари ва постлар сонини 323 тадан 370 гага етказиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	Ж.Казбеков, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев), Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими
107.	Замонавий геоахборот тизимларини қўллаган ҳода Ўзбекистон табиий қўлларининг гидрологик режимини моделлаштириш.	2023 йил декабрь	Ж.Казбеков, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев), Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими
108.	“Марказий Осиёда иқлим ўзгариши шароитида чанг бўронлари муаммолари ва уларнинг таъсирини бартараф этишда замонавий тадқиқотлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш.	2023 йил ноябрь	Ж.Казбеков, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев), Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими
109.	Агрометеорологик кузатувлар ва агрометео прогнозларни автоматик мониторинг қилишнинг комплекс тизимини яратиш ва уни ривожлантириш.	2023 йил октябрь	Ж.Казбеков, Гидрометеорология хизмати агентлиги (Хабибуллаев), Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими

XVI. Туризм соҳасида			
110.	Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеяси доирасида ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишларнинг бориши муҳокамаси тўғрисида таҳлилий материаллар тайёрлаш.	2023 йил сентябрь	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)
111.	Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрини “Туризм маркази” (Tourism centre) шаҳрига айлантириш ва Китоб туманида зарурий инфратузилмани ташкил этиш.	2023 йил сентябрь	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)
112.	Республикамиздаги барча шаҳар ва туманлардаги марказий кўчалар, чорраҳалар ва аҳоли гавжум жойлар атрофларида ривожланган давлатлар тажрибаси асосида замонавий санитария-гигиена шохобчалари тармоғини яратиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)
113.	Самарқанд шаҳрини дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айлантириш. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар элчилари билан сайёҳларни олиб келиш чораларини кўриш. Бунда, Қирғизистондан — 176 минг, Қозоғистондан — 190 минг, Покистондан — 29,4 минг, Россиядан — 88,2 минг, Тожикистондан — 176 минг, Ҳиндистондан — 22 минг, Хитойдан — 15 мингга яқин, Эрондан — 22 минг нафар сайёҳни жалб қилиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)
114.	Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида туристлар учун туну-кун фаолият юритадиган “туризм кўчалари” ташкил қилиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)
115.	Оролбўйи минтақасининг турли ҳудудларида туристларга қулайликлар яратиш учун мақсадли экотуризм маршрутлари харитасини ишлаб чиқиш ва ҳудуднинг турли нуқталарида эколагерлар ва экомаршрутлар ташкил этиш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)
116.	Ягона портал орқали фойдаланилган хизматлар натижасида тақдим этилган ҳужжат ва маълумотларни ҳамда ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали олинаётган	2023 йил сентябрь	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)

	хужжатларни (тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган) фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиш амалиётини бекор қилиш.		
117.	Туризм соҳасида бандлик статистикаси юритилишини мувофиқлаштириш.	2023 йил октябрь	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)
118.	Меҳмондўстлик соҳасида кадрлар тайёрлашда халқаро даражада тан олинган таълим дастурларини “франшиза” асосида туризм соҳа таълим муассасалари ўқув жараёнига жорий этиш.	2023 йил декабрь	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)
119.	Жорий йил якунига қадар меҳмонхоналарда фаолият олиб бораётган 2000 нафарга яқин ходимларнинг нодавлат-нотижорат таълим муассасаларида малакасини ошириш.	2023 йил декабрь	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)
120.	“Ички туризм ойлиги”ни ташкил қилиш ҳамда “Ички туризм ҳафталиги”, “Ички туризм кунлари” дастурларини маданий, кўнгилочар ва миллий байрам тадбирлари доирасида амалга ошириш.	2023 йил II ярим йиллик давомида	О. Қудратов, Туризм қўмитаси (Шодиев)